



187

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Gulobod qo'rg'oni.
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулбад, Самарқандского района, Самарқандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

Б.у.г. «31» декабр

№ 1877-К

“Кулбаипоён қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўстон” (собик “Навобод”) маҳалла марказини қайта қуриш ва фуқаро Муродов Сайфуллога савдо мажмуаси қуришга рухсат бериш тўғрисида”

“Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўстон” (собик “Навобод”) маҳалла фуқаролар йиғини ва шу маҳаллада яшовчи фуқаро Муродов Сайфуллони туман ҳокими номига мавжуд маҳалла марказинини бузиб ўрнига маҳалла маркази ва савдо мажмуаси қуришга рухсат беришни сўраб ёзган талабномалари, “Бўстон” (собик “Навобод”) маҳалла фуқаролар йиғилишининг баёни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан га асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўстон” (собик “Навобод”) маҳалласидаги мавжуд маҳалла марказини бўзиб ўрнига маҳалла маркази ва фуқаро Муродов Сайфуллога савдо мажмуаси қуришга рухсат бериш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Кулбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бўстон” (собик “Навобод”) маҳалла фуқаролар йиғини ва фуқаро Муродов Сайфуллога маҳалла маркази ва савдо мажмуаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Кадиров